

## Исломни қучсалар ва фақиҳ бўлсалар шарафлари давом этади



11:00 / 18.05.2023 865

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"ف مہر اِي خ ةي لہ ا ج ل ا ي ف مہر اِي خ ، ة ض ف ل ا و ب ہ ذ ل ا ن د ا ع م ك ن د ا ع م س ا ن ل ا  
ا و ہ ق ف ا ذ ا م ا ل س ا ل ا"

**«Одамлар олтин ва кумуш маъданлари каби маъдандирлар.  
Жоҳилиятда энг яхши бўлганлари Исломда ҳам энг яхшилари  
бўладилар, агар фақиҳ бўлсалар»**

*Муслим ривояти.*

Ушбу ҳадиси шариф мазмунига кўра, хулқ одоб, яхши табиат ва гўзал сийрат бамисоли ер остида жойлашган турли хил метал конлари каби инсонларнинг илдизлари, наслу насаб ва ботинларида яширин бўлади.

Маъданлар ҳар хил жиҳат ва хусусиятларда бир-биридан фарқ қилгани каби ҳусни хулқ, олийжаноблик ва гўзал табиатда ҳам инсонлар ўзаро тафовутда бўладилар. Шундай экан, жоҳилиятда ўзининг хулқу атвори

билан обрў мартабага эга бўлганлар, ҳидоятдан баҳраманд бўлсалар Исломда ҳам одамларнинг энг шарафлиси ва устуни бўладилар, шу шарт биланки, фақиҳ бўлсалар, динни тўғри тушунсалар.

Жоҳилиятда кишилар ўртасидаги тафовут фақат насабга боғлиқ бўлган бўлса, Исломда бу нарса фақат насабга эмас, балки, ҳасаб, илм ва амалга ҳам боғлиқдир. Агар фиқҳда тенг бўлсалар, устунлик насаб ва хулқу одобдаги тафовутга кўра белгиланади. Насаби олий, хулқу одоби зўр бўлса ҳам фиқҳни билмаса, афзаллик фақиҳ томонда бўлади. Шундан ҳам билса бўладики, фиқҳ илми инсонни улуғ қилади, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар мартабасини кўтаради.

Ҳадиси шарифда инсонлар хулқу атвор жиҳатидан маъданларга ўхшатилади. Маъдан эса ер остидан қазиб чиқарилмагунча фойда бермайди. Бунинг учун маълум бир меҳнат ва машаққат талаб этилади. Бу шундан далолатки, инсон ўз илдизларидаги, ботинидаги олийжаноб хулқни юзага чиқариши учун бироз меҳнат қилиши, риёзат чекиши керак. Ўзидаги ички куч-қувват, қобилият ва иқтидорни кашф эта билиши ва уни ташқарига чиқара олиши лозим.

Шунингдек, қимматбаҳо тошлар, маъдан ва металллар ўзгармагани каби шарафлилик сифати ҳам аслида ўзгармас нарсадир. Жоҳилиятда шарафли бўлганлар, Исломни қучсалар ва фақиҳ бўлсалар шарафлари давом этади ва зиёда бўлади. Акси бўлса, насаб жиҳатидан устунликлари фойда бермайди.

**Алишер Султонходжаев**

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 июндаги 03-07/4936-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.*